

БЎЙЛАМА ЯССИОЁҚ БЕМОРЛАРНИ ХИРУРГИК ДАВОЛАШ
(Адабиётлар таҳлили)

Равшанов Ш.Н., Эргашов М.М., Холбоев Г.Т., Мўминов С.Т.

Республика Ихтисослаштирилган Травматология ва Ортопедия Илмий-Амалий Тиббиёт Маркази
. Ўзбекистон.

✓ **Резюме**

Бўйлама яссиоёқлиги бўлган беморлар 56 та бўлиб, шулардан 15 тасида хирургик даволаш усуллари, диагностика ва адабиётлар таҳлилларини ўз ичига олади. 2019-2021 даврида Республика Ихтисослаштирилган Травматология ва Ортопедия Илмий-Амалий Тиббиёт Марказининг "Қўл ва оёқ панжаси хирургияси"да даволанган беморлар диагностик ва даволаш натижаларини ўз ичига олади. Таъхис қўйиш жараёнида 56 та беморда 2020-2021 йиллар давомида беморларда, замонавий клиник текшириш усуллари, эрта диагностика қилиш ва бирламчи тиббий даволаш ва шубҳали ҳолларда эса МСКТ ва МРТ текширувлари диагностикага аниқлик киритди.

Калит сўзлар: Pes Planus, fleet foot, Эванс, Kidner procedure, МСКТ, МРТ, диагностика, рентгенограмма, иммобилизация.

SURGICAL TREATMENT OF LONGITUDINAL FLAT FEET
(Literature analysis)

Rovshanov Sh. N., Ergashov M. M., Kholboyev G'. T., Mo'minov S. T.

Republican Specialized Scientific and Practical-Medical Center of Traumatology and Orthopedics.
Uzbekistan.

Resume

There are 56 patients with longitudinal flat feet, 15 of them have surgical methods of treatment, including diagnostic and postoperative tests. In the period 2019-2021, patients treated at the Republican Specialized Scientific and Practical Medical Center of Traumatology and Orthopedics "surgery of the hand and foot" will receive the results of diagnosis and treatment. In the process of diagnosis in 56 patients during 2020-2021. Modern methods of clinical examination, early diagnosis and primary care and in doubtful cases, MRI and MRI studies have clarified the diagnosis.

Key words: Pes Planus, fleet foot, Эванс, kinder procedure, МСКТ, МРТ, диагностика, рентгенограмма, иммобилизация.

ХИРУРГИЧЕСКОЕ ЛЕЧЕНИЕ ПРОДОЛЬНОЕ ПЛОСКОСТОПИЕ
(Литературный обзор)

Равшанов Ш.Н., Эргашов М.М., Холбоев Г.Т., Муминов С.Т.

Республиканский Специализированный Научно-Практический Медицинский Центр Травматологии и Ортопедии. Узбекистан.

✓ **Резюме**

Больных с продольным плоскостопием 56, из них 15 имеют хирургические методы лечения, включающие диагностические и послеоперационные анализы. В период 2019-2021 гг. пациенты, проходившие лечение в Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре травматологии и ортопедии "хирургия кисти и стопы", получают результаты диагностики и лечения. В процессе диагностики у 56 пациентов в течение 2020-2021 гг. современные методы клинического обследования, ранней диагностики и первичной медицинской помощи, а в сомнительных случаях МРТ и МРТ-исследования внесли ясность в диагностику.

Ключевые слова: Pes Planus, fleet foot, Эванс, Kidner procedure, МСКТ, МРТ, диагностика, рентгенограмма, иммобилизация.

Долзарблиги

Ачак ва Юрт ясси оёқликда махсус патакларни қўллаш коррекция берибгина қолмай балки оғриқларнинг ҳам камайишига сабаб бўлади [1,45].

Эркак атлетларда аёл атлетларга қараганда оёқ панжасида деформация келиб чиқиши кўпроқ учрамоқда [1;39].

Спортнинг кураш тури билан шуғулланувчи спортчилар узок муддат махсус оёқ кийм кийиб юришлари ясси оёқликка олиб келади. Қўшимчасига Ахилл пайи соҳасини қамраб олганлиги туфайли Ахилл пайи ҳаракати чекланади ва у ҳам ясси оёқлик ривожланишига сабаб бўлади [1;16].

Оёқнинг динамик функциясини текширишда марказий юкламанинг тушиш прогрессиясини ҳисоблаш муҳим кўрсаткичлардан ҳисобланади. Динамикада марказий юклама ясси оёқликда дастлаб латерал қисмга тушса, кейинчалик ясси оёқлик прогрессиясида марказга кўчганлигини кўришимиз мумкин. Марказий юкламанинг тушиш кўрсаткичига қараб ясси оёқликда жарроҳлик амалиёти учун муҳим кўрсатма бўлиб ишлатилиши мумкин [2,65].

Болаларда оёқларда бўладиган шикоятлар семизликдан ташқари қўйидаги касалликларда ҳам учрайди: синишларда, Блаунт касаллигида – тизза ёки болдир соҳасида варуснинг кучайиши, сон суяги бошчасини эпифиз қисмининг силжиши каби ҳолатларда ҳам учрайди [3].

Немис олимлари томонидан тана вазнининг болаларда оёқ панжаси ривожланишини тасирини ўрганиш мақсадида 2 – 14 ёш оралиғидаги 1450 та ўғил болаларда

ва 1437 та қиз болаларда сканнерни қўллаб ўрганишган. Изланиш натижасига кўра оёқ панжасининг 5 хил типини учратишган: ясси, қўпол, нормал, калта ва узун тури аниқланган. Вазни енгил бўлган болаларда нормал ва узун оёқ панжаси учрайди. Вазни оғир болаларда асосан ясси ва қўпол тури кўпроқ мос бўлади.

Болалар ясси оёқлик проформасини болаларда учрайдиган яссиоёқликнинг субтиплари яъни эгилувчан, ригид, маймоқ оёқлик ва бошқалар орасида аниқ ташхис қўйиш учун тузилган [4,15].

Модификацияланган болалар ясси оёқлик проформаси болаларда учрайдиган ясси оёқликларда ташхис учун жуда муҳим ва ишончли усул бўлиб хизмат қилади [4].

Тана масса индекси ва болалар оёқ панжаси ҳолати ўртасидаги боғлиқларни ўрганиш бўйича кўпгина мамлакатларда жумладан АҚШ, Буюк Британия, Испания ва бир қатор давлатлар тадқиқотлар ўтказилган. Улар текширишлар сканнерлардан, оёқ панжаси изини тушириш орқали, рентген текширувларидан фойдаланишган. Уларнинг натижасига кўра тана масса индекси юқори болаларда ясси оёқлик учраш ҳолатлари кўпчиликини ташкил этган. Wozniacka ва бошқалар олиб борган тадқиқотда ички бўйлама гумбаз ҳолати ва семизлик орасида статик корреляция мавжудлигини аниқлашган. Қиз болаларда эса айниқса кучли корреляция кузатилади [62]. Австралиялик Эванс текширишларида 140 та болада Панжа Ҳолати Индекси Тестидан фойдаланган ҳолдаги текширув натижалари асосланиб тана масса индекси ортиши ва ясси оёқлик ўртасида боғлиқлик йўқлигини аниқланган [5,6].



Болаларда панжа ҳолати индексини баҳолаш 6 та критерияси

Болаларда панжа ҳолати индексини баҳолаш 6 та критерияси

Медиал бўйлама гумбаз мушак, суяк, пайлар ва бойламлар каби статик ва динамик тузилмалардан ташкил топган мураккаб структура ҳисобланади. Медиал бўйлама бойламнинг шаклини ўрганиш орқали турли хил оёқ панжаси турларини ажратиш мумкин. Бу усул фақатгина Ёш популяция қатламида кўпроқ аҳамиятли ҳисобланади [7,10,42].

Ясси оёқлик деформацияга олиб келиш билан бирга ҳаркатларда сезиларли чекланишларга ва оғриқга олиб келади. Ясси оёқлик эгилувчан ва ригид шакли мажуд. Патологик яъни ригид тури сабаблари турлича бўлиб сезиларли оғриқларга ва оёқ функцияларининг чекланишига олиб келади ва даволаш чора тадбирларини талаб этади. Физиологик яъни эгилувчан яссиоёқлик асосан ривожланиш нуксони ҳисобланиб бола ҳаётининг дастлабки ўн йиллигини ўзидаёқ намоён бўлади [9,20,21,22,23].

Razit Levinger ва бошқалар олиб борган тадқиқотга кўра нормал гумбазли оёқ панжасига эга бўлган инсонлар билан яссиоёқликка эга инсонларнинг оёқ панжа олд қисми сагиттал ва кўндаланг сатҳдаги ҳаракати ва оёқ панжа орқа қисми кўндаланг сатҳдаги ҳаракатлари ўртасида сезиларли фарқлар мавжуд. Яссиоёқли инсонлар юриш вақтида юқори пронацияга эга ўзгарган ҳаракатни амалга оширишади ва бу оёқ турли жароҳатларининг ошишига олиб келувчи омил бўлиб ҳисобланиши мумкин [32,33,58].

Lip ва бошқа олимларнинг илмий изланишларига кўра эгилувчан яссиоёқлик асосан оёқ панжа соҳаси бўғимларининг мустаҳкам эмаслиги ва кам ҳаракатлилиги билан боғлиқ эканлиги аниқланган. Шаҳардан ташқарида яшовчи болаларда 13.6 % да ясси оёқлик учраса, шаҳарда яшовчи болаларнинг 41.3 % да учраши аниқланган. Бу шуни билдирадики шаҳардан ташқарида яшовчи болаларда мушак системаси кўпроқ ҳаракати туфайлидир. Аксинча шаҳарлашган жойларда яшовчиларда эса жисмоний ҳаракат кам эканлиги ҳисобидан учраш частотаси юқоридир [9].

Медиал понасимон-биринчи панжа суяги ва биринчи панжа суяги-проксимал фаланга бўғимлари гипермобиллиги бир қанча оёқ панжа патологиялари сабабчиси ҳисоблансада, Maraelle L Heung ва Pui W Kong олиб борган тадқиқотда оёқ панжа бўғимлари мобиллиги катта болдир орқа мушак пайи етишмовчилиги

ўртасида ҳеч қандай боғлиқликни намоён этмади [48]. Ҳаттоки Beighton шкаласи бўйича гипермобил инсонларда ҳам катта болдир орқа мушак пайи етишмовчилигига ўртасида статик корреляцион боғлиқлик аниқланмади [48].

Яссиоёқлик-болалар ортопеди амалиётида энг кўп учрайдиган ҳолат ҳисобланади. Унинг учраш даражаси тахминан 45% мактабгача бўлган болаларда ва 15% мактаб ёшли болаларда деб ҳисобланади. Катта ёшли инсонларда эса бўйлама яссиоёқлик аҳолининг 15-20% ҳолатларда учрайди. Агар яссиоёқлик симптомларсиз ва функционал асоратларсиз кечса, унда бу ҳолат 5-7 ёшга қадар ўз-ўзидан мустакил тўлиқ коррекцияланиб кетадиган оёқ панжаси ривожланишининг бир физиологик даври сифатида баҳоланади. Шунга асосланиб, баъзи муаллифлар, бу ҳолатга турли аралашувлар чекловини макбул кўришади.

Яссиоёқликнинг ҳам бўйлама, ҳам кўндаланг турини даволашда қўлланиладиган кенг тарқалган консерватив даволардан бири-бу ортезлашдир. Ортопедик патакларни узлуксиз кийиш оёқлар чарчоғини камайтиради ва ўта зўриққан мушакларни бўшаштириш ва дам олаётган мушакларни активлаштириш орқали яссиоёқлик ривожланишини олдини олади.

Канада педиатрия жамияти берган маълумотларга қараганда, бола оёқ панжасининг патологияси билан боғлиқ функционал лаёқатсизлик ёки оғриқ хис қилгандагина ортопедик аралашув муҳим ҳисобланади. Фиксацияланмаган яссиоёқликда, маймоқликнинг бошланғич давларида ва енгил торсион деформацияларда ортезлар қўлланилиши кам самара беради.

Шунингдек, ортопедик оёқ кийимлар ҳам кенг қўлланилади. Маълум бир тадқиқотга кўра, ортопедик оёқ кийимни кунига 5-6 соатдан 2 ёшидан 4 ёшига қадар кийса, 60% ҳолатларда терапевтик самара беради. Бошқа проспектив тадқиқотга кўра, 3 ёшдан 5 ёшгача бўлган фиксацияланмаган яссиоёқлик билан хасталанган 129 бемор 3 йил мобайнида ортопедик оёқ кийимдан фойдаланганда, оёқ кийим оёқ панжаси деформациясини коррекциялаш борасида ҳеч қандай самара бермаган [41,46,50,56].

Шундай қилиб, ортопедик патакларнинг самараси ва муҳимлиги борасида яқдил

фикрлар мавжуд эмас. Ҳатто баъзи тадқиқотлар бу кўникамага олиб келиши ва узоқ муддатли психологик эффектга, хусусан, ўзига бўлган ишончнинг тушишига олиб келиши мумкинлигини кўрсатади [56].

Комбинирилган ясси оёқликда оёқлар учун ишланган стандарт махсус патаклардан фойдаланиш адабиётларда келтирилган фактларга асосан бўйлама ёйга кўпроқ юкламанинг тушишига сабабчи бўлади ва оёқ биомеханикасининг ёмонлашувига олиб келади. Чунки стандарт патаклар рельефи доим ҳам оёқ релефига мос тушавермайди. Шунинг учун подиартрик амалиёт нуқтаи назаридан индивидуал ортопедик патаклардан фойдаланиш керак [10,45,56,67].

Ортопедик патаклардан ташқари оёқ панжа ортезларидан фойдаланиш ҳам самарали натижаларга олиб келади. Эгилувчан яссиоёқлар учун бир нечта ортезлардан фойдаланилади. Тавсия этилган ортезлар чидамли, аввал биринчи ҳафтада ҳар куни 1-2 соатдан бошланиб, кейинчалик секин-секин бир неча соатлардан 2-3 ҳафтагача "секин" кийиладиган бўлиши керак. Босим юзасини инобатга олмаган ҳолда, ортезларнинг талаб даражасидаги адекват коррексия билан таъминотини баҳолаш учун ортезист ёки даволовчи шифокор томонидан қайта кўрик талаб этилади. Қайта кўрик ҳар 6-12 ойда ортезларнинг мослиги ва боланинг ортезларга ҳали эҳтиёжи бор-йўқлигини баҳолашдан иборат бўлади. Бола оёқ панжа ўлчами ошгани сари йирикроқ ортезларга эҳтиёжи ортиб боради [46,50,56]. Оёқ панжа ортезларида ички бўйлама гумбаз кайиксимон суяк таглиги ҳисобига мустаҳкамланиб туради. Shintarou ва бошқалар бир нечта ҳолатларда тажриба олиб бориш орқали қўндаланг гумбаз мустаҳкамлиги учун қўшимча яна метатарсал тагликлардан ҳам фойдаланиш даволаниш самарасини яна ҳам орттиришини кузатишди [67].

Яссиоёқликнинг I ва II даражаси билан хасталанган 47 беморда даво муолажасига нафақат фиксацияловчи патаклар, балким махсус физик машқлар комплекси қўлланилганда 89% ҳолларда динамиканинг ижобийлашуви рўй берган. Машқлар кичик болдир мушаклар гуруҳи, олдинги ва орқа катта болдир мушаклар мустаҳкамлигига ва катта болдир икрасимон мушаклар чўзилишига қаратилган. Мушакларни, хусусан, оёқ

панжасининг олдинги қисми пронатсияси учун жавобгар бўлган-кичик болдир узун мушаги, оёқ панжасининг орқа қисми суппинацияси учун жавобгар бўлган катта болдир мушаги ва оёқ панжа бармоқларини букувчи узун мушаклар, болдирни ташқарига ротацияси учун жавобгар бўлган оёқ панжа бармоқларини букувчи узун ва калта мушаклар, оёқ панжа бўйлама гумбазини кучайтирувчи катта болдир орқа мушагини мустаҳкамлаш ва тонусини стабиллаштириш учун махсус машқлардан фойдаланилади [56,67]. Махсус машқлар таркибига оёқ панжа суяклари бошчаларида ҳаракат ("оёқ учида юриш"), товонда юриш, динамик гумбазни мустаҳкамловчи фаолиятлар, масалан, юмшоқ тупрокда оёқяланг юриш, оёқ бош бармоғини букиш (мисол учун материални оёқ бош бармоғи билан олиш), ўтирган вақтда оёқ билан коптокни айлантириш, ўзини худди оёқ панжа бош бармоғи билан фортепиано ўйнаётгандек тутиш, бош бармоқни оёқ орқа юзасига кучли букиш ва тирмашиш ҳаракатини кучайтириш ва бошқа ҳаракат фаолиятлари киради. Тавсия этилган машқлар бола ва ота-оналари талабларига мувофиқ мослаштирилади. Машқлар программаси оила ҳаётига мослаштириб, боланинг кунлик ўйинлари ва фаолиятларидан иборат бўлса, яна ҳам самарали таъсирга эга [50].

Функционал жиҳатдан юкламанинг қайси соҳага тушаётганлиги ортезлашда муҳим амалий аҳамиятга эга. Оёқ панжаси соҳаси паталогияси оптимал ортопедик коррекцияга эришиш учун қуйидаги принципларга амал қилиш керак: 1) Индивидуаллик 2) Гумбаз реконструкциясига 3) энергия тежовчи амортизация 4) оптимал терморегуляцияни таъминлаш [10].

Оёқ панжасининг нормал ривожланиш жараёнида тана вазн юкламаси панжа плантар юзаси бўйлаб, яъни товон соҳасидан ташқи кирралар бўйлаб панжа суяклари бошчаларига қадар тақсимланади, ундан сўнг бармоқларга ўтади ва бунда итарувчи асосий куч бўлиб бош бармоқ ҳисобланади. Ясси-валгусли деформацияда эса таянч вектор ичкарига силжийди. Бу юриш характерини ўзгатиради ва ўз навбатида бутун таянч-ҳаракат тизимида динамик юклама ортишига сабаб бўлади. Болаларда оёқ панжа паталогияси ривожланишини назорат қилишни объективлаштириш учун нафақат статик ҳолатда оёқ панжа функциясини баҳолайдиган,

балким динамикада ҳам баҳолаш имконини берувчи метод танлаш муҳим ҳисобланади, чунки оёқ плантар юзасига бериладиган максимал солиштирма юклама бола тик турганига караганда икки оёғига таяниб юрган вақтида юкори бўлади. Бунга сабаб юкламанинг динамиклиги ва юриш вақтида оёқларни алмаштириш моментида оёқ панжа таянч юзасининг камлигида. Бундан ташқари тик турган вақтда бемор катта эркинликка эга бўлиб, тана вазн юкламасини туширишда танлов вариантга эга ҳисобланади ва одатда бемор юкламани касал оёғидан тананинг бошқа бўғимларига, ҳаттоки бошқа оёғига туширади. Бу ҳолат бемор ўзига сезилмаган ҳолда оёқ панжанинг юкламага мос равишда юриш учун мўлжалланган адаптив хусусиятлари туфайли содир бўлади. Шунинг учун оёқ панжа патологиясини динамикада баҳолаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Турли адабиётлар маълумотларига кўра, оёқ панжа патологияларининг энг самарали дигностика методларидан бўлиб, компютер барография ҳисобланади ва бу нафақат статик юкламада, балки ҳаракат вақтида ҳам оёқ панжасининг функционал ҳолатига баҳо бериш имкониятини тақдим этади [58].

Бугунги кунда оёқ панжаси касалликларининг турли классификациялари бўлиб, бунда барчасини қамраб оладиган ягона классификация мавжуд эмас. Malia Но ва бошқалар томонидан олиб борган тадқиқотда Chippaux-Smirak индекси, қайиксимон суяк тушиш тести ва тинч ҳолатдаги товон бурчаги кўрсаткичларидан фойдаланишган [46,66]. Мискеевич В.А. ва бошқа муаллифлар берган маълумотларга кўра, ҳаттоки деформацияланмаган оёқ панжасида ҳам юкламанинг оёқ панжаси бўйлаб

тақсимланиши жуда кўп параметрларга боғлиқлигини инобатга олиб, Мармыш А.Г. ўз тадқиқотида ҳисоб-китоб маълумотларини яқкалаш, олинган таҳлилларни объективлаштириш ва педобарография натижаларига бемор тана вазнининг боғлиқлигини инкор қилиш мақсадида оёқ панжа маълум зоналарининг бутун оёқ панжасига нисбатан солиштирма юкламасини ҳисоблаш таклифини киритган (босимнинг оёқ панжа юзаси бўйлаб фоизли тақсимланиши) [52].

R.Wozniacka ва бошқалар олиб борган тадқиқотда Кларк бурчаги [62], Serap Alsancak ва бошқалар олиб борган тадқиқотда эса Staheli гумбаз индекси [66] яссиоёқлик даражаларини баҳолашда оёқ панжасининг асосий антропометрик кўрсаткичи сифатида қаралган.

Фотоплантограмма текширувларига кўра 7-9 ёш ва 10 ёшдан катта иккала гуруҳларда Кларк бурчагининг камайганлиги, Годунов индексининг ошганлиги, олдинги ва орқа таянчнинг ўзгарганлиги аниқланган.

Оёқ панжаси ости соҳасига босимнинг тақсимланишини ўрганганда назорат гуруҳидаги болаларда максимал юклама товон соҳасига, панжа суяклари бошчасига яъни В,Е зоналарга ва I бармоқ соҳасига тушса, минимал юклама II –V бармоқларга, ташқи ва медиал бўйлама гумбазга яъни А, D, С зоналарга тушган. Асосий гуруҳдаги барча беморларда юкламанинг панжа соҳасида асосан бўйлама гумбазга тушганлиги яъни С ва D зоналарга тушганлиги аниқланган. 15 % яъни 5 та болада юкламанинг товон соҳсида медиал силжиганлиги аниқланган, бу болаларда валгусли деформациянинг борлигини кўрсатади [10,18].



зона А
зона В
зона С
зона D
зона Е

Болаларнинг фотоплантографик кузатиш натижалари коррекциягача

Беморлар гуруҳи		Кларк бурчаги	ИПО	ИЗО	Индекс Годунова
7-9 ёш	Асосий	34 (23;38)*	0,33 (0,31;0,34)*	0,41 (0,4;0,46)*	0,61 (0,56;0,64)*
	Назорат	50 (45;55)	0,28 (0,25;0,3)	0,36 (0,33;0,38)	0,44 (0,41;0,46)
10 ва ундан юқори	Асосий	38,5 (29;45)*	0,3 (0,27;0,38)*	0,4(0,38;0,45)*	0,55 (0,49;0,61)*
	Назорат	52 (47;57)	0,27 (0,25;0,27)	0,35 (0,32;0,36)	0,43 (0,40;0,45)

Оёқ панжасининг ясси – валгусли деформациясини ўрганишда анатомик ва биомеханик жиҳатдан хусусиятларини

ўрганиш керак бўлади. Оёқ панжаси орқа соҳаси, ички гумбаз стабилизацияси динамик ва статик стабилизаторлар орқали

таъминланади. Ички бўйлама гумбазнинг асосий динамик стабилизатори бўлиб катта болдир орқа мушаги яъни *m.tibialis posterior*, кам даражада узун кичик болдир мушаги (*m.peroneus longus*), бармоқларни букувчи мушаклар (*m.flexor digitorum*), биринчи бармоқнинг букувчи узун мушаклар (*m.flexor pollicis longus*)лар ҳисобланади. Катта болдир орқа мушаги жароҳатида ортиб борувчи юклама кучи статик стабилизаторларига берила бошлайди. Статик стабилизаторлар ўз таркибига “spring” бойламлар комплекси (“Пружинасимон” бойламлар)ни, делтасимон бойламлар юза толаларини, узун плантар бойламни ва плантар фасцияни олади. Анатомик томондан “spring” бойламлар 3 та тутамдан ташкил топган: юқори – медиал, қийшиқ медиал – плантар ва узун медиал – плантар тутамлардир. Айнан юқори медиал тутами катта болдир орқа мушаги пайи ёнида туради. Жарроҳлик амалиёти вақтида яхши кўриниб туради. Умумлаштириб айтганда оёқ панжа ички гумбазининг доимийлигини таъминлашда катта болдир орқа мушаги пайи ва “spring” бойламлар комплекси ҳисобланади. Чунки улар ошиқ – қайиқсимон бўғимда деформация юзага келишини олдини олади ва ички гумбазнинг статик стабилизатори ҳисобланади. Одам туриб юра бошлаши билан ана шу бойлам ва пайга доимий юклама тушиб туради. Агар юқорида келтирилган бойламларнинг жароҳати кузатиладиган бўлса валгусли деформациянинг ривожланишига олиб келади [11,26,27].

Ясси – валгусли деформациянинг юзага келишини Hattrup Johnson 3 босқичга бўлади ва бунда катта болдир орқа мушаги пайи дисфункцияси асос қилиб олинган [59].

1 – босқич эрта ёшлардан ички бўйлама гумбазнинг сезиларсиз пастлаши билан характерланади. Беморларда болдир ошиқ бўғимида оғриқ безовта қилади. Бу оғриқнинг сабаби бўлиб катта болдир орқа мушаги пайининг теносивити ёки тендинози сабабли юзага келади. Мушак пайи узунлиги ва тортиб туриши ўзгармаган бўлади. Оёқ панжасининг валгизацияси ва деформацияси кузатилмайди [17, 59].

2 – босқич сезиларли деформация ривожланади. Бу юмшоқ деформация ҳисобланиб, текширганда пассив ҳаракатда ошиқ – қайиқсимон ва ошиқ ости бўғимларда тўғирланади. Беморларда катта болдир орқа мушаги пайининг узайганлиги ёки дегенерацияси кузатилади. Ж.Деланд 2 – босқични икки кичик босқичга, яъни 2а ва 2б босқичга бўлган. 2а босқичда катта бўлмаган, ўртача, юмшоқ, тўғирланадиган деформация, рентгенологик текширганда ошиқ – қайиқсимон бўғимида минимал абдуксия, ошиқ суяги бошчасининг 30 % дан кам кўрсаткичда қопланмаганли кўринади. 2б босқичда ҳам юмшоқ деформация кузатилади, рентгенологик ошиқ – қайиқсимон бўғимда қопланмаслиги 30 % дан катта бўлади. Бу босқичда кўшимчасига “spring” бойламлар комплексида сезиларли етишмовчилик кузатилади ва ички бўйлама гумбазнинг иккиламчи пасайишига олиб келади. Бу оёқ панжасининг олдинги қисми сезиларли абдуксиясига олиб келади [17,18,19, 59,82].

3 – босқичда деформация фиксацияланган ҳисобланиб, пассив ҳаракатда тўғирланмайди. Бу ҳаракатни бажарганда беморда оёқ панжаси ташки соҳасида, *sinus tarsi* соҳасида оғриқ сезади. Ригидлик учта бўғимда кузатилади: ошиқ – қайиқсимон, ошиқ – товон ва товон – кубсимон бўғимлардир. Бу ҳолат оёқ панжа орқа соҳасида фиксацияланган деформацияга ва Шопар бўғими соҳасида абдуксияга сабабчи бўлади [17,37,59,78].

4 – босқич М.Мейерсон томнидан киритилиб, болдир – ошиқ бўғимида нотўлиқ чиқиши бўлган деформация кузатилади. Бўғимда артроз белгилари бўлиши ёки бўлмаслиги мумкин. Оёқ панжасининг валгусли ҳолати делтасимон боғлам йиртилиши ҳисобига ошиқ суягининг латерал эгилиши натижаси ҳисобланади. Бу босқич иккита кичик босқичга ажратилади: 4а ва 4б босқичлардир. 4а босқичда дегенератив ўзгаришлар кузатилмайди. 4 б босқичга ўтганда дегенератив ўзгаришлар кузатилади [11,51, 59, 64].

Mueller эса катта болдир орқа мушак пайи етишмовчилигининг бошқа таснифни келтиради [63]:

1-босқич	Асимптоматик фаза: асосида биомеханик етишмовчилик этади
2-босқич	Симптоматик фаза: тендинит белгилари мавжуд; прогрессив яссиоёқлик пайдо бўлади
3-босқич	Йиртилиш (ёки фукионал йиртилиш) фазаси: симптомлар кескинлигининг ортиб бориши кузатилади; имкон қадар реконструкцияни талаб этади.
4-босқич	Сўнгги босқич: юқоридаги симптомларнинг кескин прогрессияси, ҳаракатнинг кескин чекланиши

Манбалар шуни кўрсатадики, оёқ панжа шакли ёшга мос махсус анатомик ва этиологик омиллар билан характерланади ва кўпчилик клиник шифокорлар бу ҳолатни патологик жараён эмас, балким физиологик жараён деб ҳисоблашади ва ҳеч қандай клиник аралашувни таклиф этишмайди [61,69]. Rosemary Targett 3 ёшдан 11 ёшгача бўлган 225 та Британия бошланғич мактабига ташриф буюрган болада нормал оёқ панжаси ривожланиши устида тадқиқот олиб борди. Натижалар шуни кўрсатадики, пронацияланган оёқ панжаси 3 ёшдан 11 ёшга қадар камайиб боради, айниқса 10 ёшдан 11 ёшга қадар оёқ панжаси позасида катта ўзгаришлар рўй берди ва бу ҳолат шу ёшлар атрофида муҳим ўзгаришлар содир бўлишини кўрсатди [61]. Уден ва бошқа кўплаб адабиётларда, "яссиоёқлик" бу оёқ панжа типи эканлигига қатъий урғу беришади ва кўпинча меъёрдан ортиқ тасдиқланмаган баҳолаш мезонларининг бирини ёки бир нечтасидан фойдаланган ҳолда "ташхисланади". Бу кўрсаткичлар учун клиник маълумотларнинг етишмаслиги жиддий муаммо ҳисобланади ва муаллиф таъкидлаганидек, болаларнинг оёқ панжаси бу ривожланувчи структура бўлиб, гумбазнинг йўқлиги бу ривожланишнинг типик босқичи демакдир. Ривожланаётган оёқ панжаси-бу структур жиҳатдан "ясси" эмас, балким ташқи таъсирга ўта сезувчан, юқори эгиловчан ва ривожланувчи структура бўлиб, биз билмаган бир неча омиллар жавобан ўсиб ривожланади. Ошиқ ости бўғими морфологиясини ўрганиш мақсадида қўлланилган магнит резонанс томография олдинги ошиқ ости бўғим юзасининг йўқлиги ва мураккаб гумбаз шаклланиши ўртасида узвий боғлиқлик борлигини кўрсатди [69].

Консерватив даво муолажасини касалликнинг ҳамма босқичида қўлласа бўлади. Бу даво муолажалари таркибига юкломани камайтириш, ностероид яллиғланишга қарши дори воситалар, индивидуал махсус патаклар, иммобилизация, брейслар ёки ортезлар тақиб юриш кабилар тавсия этилади. Катта болдир

орқа мушаги пайининг ўткир теносиновити бўлган ҳолатларда гипсли боғламда ёки махсус ортезлар билан иммобилизация 6 ҳафтадан кам бўлмаган муддатга буюрилади. Бу усул мушак пайига тушадиган юкломани камайтиради ва келгусида пайнинг йиртилишини олдини олади. Беморларни қайта текширганда юрганда оғриқ сезмаса, юришга рухсат берилади. Консерватив давонинг асосий мақсади деформациянинг ривожланишини тўхтатиш, оғриқли синдромни олишга, валгус ҳолатини компенсация қилишга қаратилган. Р.Алварес ва шифокорлар кузатишига кўра 1 ва 2 босқич яссиоёқлик бўлган 47 та беморда консерватив даво самараси текширилган. Беморлар махсус фиксацияловчи ортезлар тақиб юришган. Қўшимчасига катта болдир орқа ва олдинги мушаги, перонеал мушаклар гуруҳига чиниқтиришга қаратилган махсус дастурли машқларни бажаришган. 89 % беморда натижалар яхши бўлган. Агарда беморда интенсив консерватив даво муолажалари 3 ойдан кейин ҳам натижа бермаса ва беморнинг шикоятлари сақланиб қоладиган бўлса жарроҳлик амалиёти учун кўрсатма бўлади [18,33,44].

Ўсмирларда турғун яссиоёқликда Миллер қайиқсимон, медиал понасимон ва биринчи панжа суяги ўртасида артродез ва катта болдир орқа мушаги пайининг дистал транспозиция қилиш оператив муолажасини таклиф этади. 12 йилдан сўнг 84% ли қоникарли натижалар қайд этилган [59].

1 –босқичда жарроҳлик амалиёти тактикаси катта болдир мушаги пайи ҳолатига қараб белгиланади. Консерватив даволарга турғун бўлган изолирланган теносиновит кўпроқ кузатилади. Бунга сабаб бўлиб яллиғланишли синовитлар, қисман ёки тўлиқ йиртилишлар, дегенератив ўзгаришлар ҳисобланади. Бу ҳолатларда кўпинча теносиновектомия ёки пай кўчириб ўтқириш жарроҳлик амалиёти бажарилади. Лекин кўп ҳолларда бу амалиётнинг ўзи камлик қилади ва товон суягини медиализацияловчи остеотомия

амалиёти қўшиб бажарилади. Бу усул кўпгина олимлар томонидан макулланган. Чунки катта болдир орқа мушаги пайи тиклангандаги товон суяги ўқи бўйлаб тушадиган юклама салбий таъсир қилиши мумкин, шунинг учун медиализацияловчи остеотомия орқали ясси валгусли деформацияда сезиларли коррекция эришилади [19, 59].

2 – босқичда оғирлик даражасига қараб турлича усуллар, яъни ошиқ ости бўғимини артроэрез қилиш, товон суяги остеотомияси, ички колонна артродези, пай кўчириб ўтказиш кабилардан фойдаланилади. Муаллифлар бугунги кунда агар бола 10 ёш ва ундан катта бўлса, Эванс ва Ахилл пайини узайтириш; агар 10 ёшдан кичик бўлса, катта болдир орқа мушак пайини ошиқ суяги бошчасидан қайиқсимон муякка Young-Young's tenosuspension бўйича транспозицияси ва ошиқ ости бўғими артродези амалиётини бажариш таклифини беришади [59,83].

Артроэрез ҳозирги кунда болалар ва ўсмирлар ясси оёқлигида кенг қўлланилаётган усул ҳисобланади [57,59,63]. Бу усулни катталарда қўллаш чегараланган. Усулнинг моҳияти шундаки имплантатни ошиқ ости бўғимига аниқроқ айтадиган бўлсак тарсал синусга қўйилиб коррекцияга эришилади. Бу усул билан ошиқ – қайиқсимон бўғимида нотўлиқ чиқишни бартараф этилади ва бўйлама гумбазнинг баландлигини ортишига эришилади. Аммо бу усулни деформациянинг кучли ривожланган турларига қўллаб бўлмайди, қўлланиладиган бўлса асоратлар ривожланиш эҳтимоли юқори бўлади. Н.С.Шах ва ҳамкасблари томонидан 2015 йил Америка болдир – ошиқ бўғими ва оёқ панжа хирургияси ассоциацияси 572 та ходимлари ўртасида ўтказган сўровномага кўра 48 % хирурглар бу услни қўллашган, 52 % эса усулнинг самарадорлиги камлиги учун қўллашмаган [11,24,25,34].

С.А. Александров ва бошқалар олиб борган тадқиқотда болалар церебрал фалажлиги билан хасталанган беморларда ошиқ ости бўғимини артроэрез қилиш оператив муолажаси самарали натижалар берган. Бизга маълумки, болалар церебрал фалажлиги билан хасталанган беморларда оёқ панжасининг эквино-плано-вальгусли деформацияси энг кўп учрайдиган касалликларидан бири бўлиб, оёқ панжасининг шаклини ўзгаришига, таянчнинг пасайишига ва юриш биомеханикасининг

бузилишига олиб келадиган патология ҳисобланади. С.А. Александров ва бошқалар олиб тадқиқотда беморлар икки гуруҳга бўлинди. Биринчи гуруҳ беморларида (n=33) ошиқ ости имплантини қўллаш орқали ёлғиз артроэрез оператив муолажаси бажарилган. Бу оператив муолажадан сўнг беморда худди артродезда кузатилгани каби суппинацияга тўсқинлик кузатилмаган ҳолдаги кескин пронация қилиш қобилияти чегараланган. Иккинчи гуруҳ беморларда (n=31) эквинус деформацияси тўғирлангандан сўнг катта болдир олд мушаги пайини тенодез ва транспозицияси билан кечувчи артроэрез оператив муолажаси Самара ДТУ да ишлаб чиқилган ва ошиқ-қайиқсимон бўғим капсуласи дубликатурасини яратиш билан борадиган қайиқсимон суяк ғадир-будурлиги ости соҳасида амалга оширилган. Жарроҳлик муолажаси ошиқ ости синусига имплантни ўрнатиш билан якунланган. Операция натижаларини баҳолаш муддати 1 йилдан 3 йил-у 10 ой оралиғида амалга оширилган. Даволаш натижалари биринчи гуруҳда (33 бемордан) 13 ҳолатда (39.4%) яхши, 16 ҳолатда (48.5%) қониқарли, 4 ҳолатда (12.1%) қониқарсиз деб баҳоланган. Иккинчи гуруҳда (31 бемордан) даволаш натижалари 23 беморда (74.2%) яхши, 7 беморда (22.6%) қониқарли ва 1 беморда (3.2%) қониқарсиз деб баҳоланди. Хулоса қилиб шунни айтиш мумкинки, болалар церебрал фалажлиги билан хасталанган беморларда оёқ панжасининг эквино-плано-вальгусли деформациясини даволашда катта болдир олд мушаги пайини тенодез ва транспозицияси билан биргаликда ошиқ ости имплантларини қўллаш ёлғиз артроэрез оператив муолажаси билан таққосланганда энг яхши натижаларни беради ва кейинги деформациялар ривожланишини олдини олади [70].

Муаллифлар болалар спастик фалажлигида жарроҳлик аралашув амалга оширишдан олдин бола оёқ панжасининг ўсиши тугагини кутишни тавсия қилишади. Шундан сўнг Ахилл пайини узайтириш ва ошиқ ости бўғимини Grice бўйича стабиллаш муолажасини таклиф қилишади [59]. Агар бола тана вазн юкламасини ташқарига қараганда ичкарига кўпроқ ташласа, товон суягини узайтирувчи остеотомия амалиёти бажарилади. Агар болада яссиоёқлик нерв-мушак касаллиги сабабли юзага келган бўлса, унда шина тақиш яхши

самара беради, оғир ҳолларда эса уч бўғимли артродез бажарилади. Яссиоёқлик қийин бартараф этилувчи 11 та болада гумбазни тўғирлашга қаратилган бир неча оператив муолажалар бажарилди: Эванс ёрдамида товон вальгусини ва оёқ панжа олд қисми абдукциясини тўғирлашди; қайиксимон ва биринчи понасимон суякларни понасимон резекция қилиб, артродезлаб ички гумбаз ҳосил қилишди; оёқ панжа плантар соҳадаги чўзилиб қолган бойламлар қатламлар ҳосил қилиниб калталанди; катта болдир олд мушак пайи транспозицияси бажарилди; Ахилл пайи пластикаси амалга оширилди. 8-42 ойдан сўнгги қайта кўрикда 89.5% ли натижаларга эришилди [47,59].

Катта болдир орқа мушак пайи етишмовчилигининг тўртинчи босқичида ошиқ бўғими ва болдир-ошиқ-товон бўғимларини артродезлаш муолажасидан бошқа ҳозирги кунга қадар самарали муолажа таклиф этилмаган [59].

Яссиоёқликнинг ригид формасида уч бўғимли (ошиқ-товон, ошиқ-қайиксимон ва товон-кубсимон бўғимлари) артродез қилиш “олтин стандарт” ҳисобланади [35;59].

M.tibialis posterior пайининг кучсизланган ҳолатларида бармоқларни букувчи узун мушак пайи билан мустаҳкамланади. Бу операциядан мақсад m.tibialis posterior нинг динамик функциясини тиклаш. Одатда бармоқларни букувчи узун мушак фиксацияси учун қайиксимон суякда ҳосил қилинган каналдан фойдаланилади ва биодеградацияланувчи винтлардан фойдаланилади. Бу усулнинг медиализацияловчи остеотомия билан биргаликда қўлланилиши кенг тарқалган. Баъзи хирурглар m.flexor hallucis longus дан фойдаланишади. Қон томир ва нерв тутамига зарар етиш эҳтимоллиги муносабатидан кам қўлланилади [11,12,17].

J.Brodsky ва ҳамкасблари томонидан 12та беморда ўтказилган комбинирланган жарроҳлик амалиётларининг натижалари текширилган. Комбинирланган жарроҳлик амалиёти қуйидаги усулларни ўз ичига олган – товон суяги остеотомияси, бармоқларни букувчи узун мушакни кўчириб ўтказиш. Улар операцидан икки ҳафта олдин ва бир йил ўтгандан кейинги натижаларни ўрганишган. “Spring” бойламлар комплексининг реконструкцияси кабилардир. Изланиш натижаларига кўра юришдаги кинематик ва

кинетик параметрларнинг яхшилангани аниқланган [11,43].

Ясси оёқликнинг 2b босқичида оғирроқ фиксацияланмаган деформация, панжа олдинги соҳасининг сезиларли абдукцияси ошиқ-қайиксимон бўғимнинг қопланмаганлиги рентгенда 30 % дан юқори, вальгусли деформация 15 градусгача бўлади. Ён томондан олинган рентгенографияда Мири бурчаги 10 – 20 градус орлағида болади. Бу ҳолатларда панжанинг ён ташқи колоннасини узайтириш, медиализацияловчи остеотомия, Ахилл пайини узайтириш ёки бармоқларни букувчи узун мушак пайини кўчириб ўтказиш масалалари ётади. Панжа ён ташқи колоннасини узайтиришдан мақсад ошиқ – қайиксимон бўғим абдукцион ҳолатини коррекция қилиш ва бўйлама гумбазнинг ортишига эришишдир. Бу усул одатда D. Evans томонидан таклиф қилинган усулда амалга оширилади [59,68].

